

**“Тасдиқланган”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Давлат статистика қўмитаси**  
**томонидан**  
**12 ноябрь 2013 й.**

**10-сон ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ**  
**ФУҚАРОЛАРНИНГ СТАТИСТИКА МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА**  
**ШИКОЯТ, АРИЗА ВА ТАКЛИФЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ**

**1. Хизматнинг таърифи (паспорт)**

**1.1. Хизмат номи**

Фуқароларнинг статистика масалалари бўйича шикоят, ариза ва таклифларини кўриб чиқиш.

**1.2. Хизмат натижалари**

Фуқароларнинг статистика масалалари бўйича Давлат статистика қўмитасининг [www.stat.uz](http://www.stat.uz) расмий сайтига келиб тушган шикоят, ариза ва таклифларини кўриб чиқиш.

**1.3. Хизмат кўрсатиш органлари ва бланк олиш жойлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари.

Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти [www.stat.uz](http://www.stat.uz).

**1.4. Ҳуқуқий асослар**

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги 441-П-сонли Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 8-сонли Қарори.

**1.5. Хизматдан фойдаланувчилар**

Манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар.

**1.6. Сўров бериш муддати**

Сўров бериш муддати ўрнатилмаган.

**1.7. Бажариш муддати**

10 иш куни давомида.

**1.8. Тасдиқ бериш муддати**

Ўрнатилмаган.

## **2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш**

### **2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми**

Ҳар бир мурожаат қилган шахсга тақдим этилган сўровига мувофиқ жавоб берилиши кафолатланади.

### **2.2. Кенг миқёсда хабардор қилиш**

Фуқароларнинг статистика масалалари бўйича шикоят, ариза ва таклифларини юбориш бўйича маълумотларни Давлат статистика қўмитаси [www.stat.uz](http://www.stat.uz) расмий сайтига кириб, чап тарафдаги “Мурожаатларни қабул қилиш” бўлиmidан “Виртуал қабулхона” қисмида ёки ўнг тарафдаги “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Савол беринг” қисмида ёки тепа тарафдаги “Бизга хат ёзиш” бўлиmlарида олиш мумкин.

### **2.3. Сўров бўйича хабардор қилиш**

Шахсан: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай савол юзасидан оғзаки маслаҳат (10 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Телефон орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай катта ҳажмдаги аниқ ахборот берилишини талаб қилмайдиган савол юзасидан оғзаки маслаҳат (5 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Факс орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача сўров бўйича ёзма ҳужжатларни (3 варақдан кўп бўлмаган) қабул қилиш ва узатиш.

Электрон почта орқали: ҳар қандай ёзма сўровларни кенг тарқалган матн форматларида (оддий матн, DOC, RTF, PDF форматларида бириктирилган файл) ёки келишилган бошқа форматларда кечаю кундуз қабул қилиш, соат 9-00 дан 18-00 гача оддий матн форматида, DOC, RTF, PDF форматидаги бириктирилган файл кўринишида ёки келишилган бошқа форматларда ёзма ҳужжатларни узатиш.

Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига шахсий мурожаат – кечаю кундуз.

### **2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, 100192, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.

### **2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланклари (шакллар)**

Мурожаатнинг электрон шакли Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтида мавжуд.

## **3. Хизмат кўрсатиш**

### **3.1. Иш вақти**

Давлат статистика қўмитаси сайтига мурожаат – кечаю кундуз;

Иш тартиби: иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.

### **3.2. Кутиш шартлари**

Сўровнинг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш муддати 10 иш кунигачани ташкил этади.

## **4. Хизмат кўрсатиш тартиби**

### **4.1. Зарур ҳужжатлар**

Фамилия, исм, отасининг исми;

Савол мавзуси;

Телефон рақами;

Электрон почта манзили.

(*Эслатма:* телефон рақами ва электрон почта манзили нотўғри кўрсатилган ҳолда жавоб тақдим этилмаслиги мумкин).

### **4.2. Хизмат ҳақи**

Хизмат бепул амалга оширилади.

### **4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари**

Статистика масалалари бўйича шикоят, ариза ва таклифларни ёзиш учун [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайтига кириш лозим. Чап тарафдаги “Мурожаатларни қабул қилиш” бўлимидаги “Виртуал қабулхона” қисми ёки ўнг тарафдаги “Интерактив хизматлар” бўлимидаги “Савол беринг” қисми ёки тепа тарафдаги “Бизга хат ёзиш” бўлимлари орқали буни амалга ошириш мумкин.

### **4.4. Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар**

- 1) Келиб тушган сўровлар қайта ишланади ва ижрочиларга тарқатилади.
- 2) Жавоблар мурожаат этувчининг хоҳишига кўра яшаш манзилига ёзма шаклда ёки электрон почта манзили орқали етказилади.

### **4.5. Рад этиш асослари**

Фамилияси, исми, отасининг исми ва почта манзили (юримдик шахсининг номи, юримдик манзили) кўрсатилмаган бўлса;

Нотўғри маълумот келтирилган бўлса;

Матнида беадаб (уятли) ёки ҳақоратомуз сўзлар мавжуд бўлган маълумотлар келтирилган бўлса;

Мурожаат матнида ноаниқ қисқартмалар ва реклама материаллари бор бўлса.

## **5. Сифат таъминоти**

### **5.1. Сифат параметрлари**


Хизмат кўрсатиш сифати кўрсатиладиган хизматлар учун ўрнатилган тартибга тўлиқ жавоб беради.




### **5.2. Хизмат сифати устидан шикоят қилиш тартиби**

Статистика органларига белгиланган тартибда ёзма мурожаат қилиш ёки Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтидаги қарши алоқа шакли орқали шикоят билдириш мумкин.


### Давлат хизматини кўрсатиш схемаси




#### Фуқароларнинг статистика масалалари буйича шикоят, ариза ва таклифларини кўриб чиқиш



	Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.
	Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган.
	Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.

**Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар таърифи**  
**Фуқароларнинг статистика масалалари буйича шикоят, ариза**  
**ва таклифларини кўриб чиқиш**



	<p>Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.</p>
	<p>Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган.</p>
	<p>Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.</p>